

## «Намоз ўқидингми?» деб кифояланманг!



17:00 / 17.08.2022 3186

Намознинг аҳамиятини билиб, фарзандларингиздан узоқда бўлсангиз, бу ҳолатда мулойимлик билан намоз вақти кирганини эслатиб қўнғироқ ёки хабар юборсангиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Оталардан бири айтади: «Ишим туфайли ҳафтада беш кун уйда бўлмайман. Афсуски, фарзандларим мен уйдалигимда намозни мунтазам ўқиб, бошқа вақтлар эса дангасалик қилиб, оналарини жуда толиқтиришди. Мен ишда бўладиган куним уларнинг намозини назорат қилиб туриш учун бир жадвал тузиб қўйдим. Бу жадвалнинг ичига мен ишда бўладиган барча кундаги намозларни белгилаб чиқдим ва ҳар бир фарзандимга бердим. У ерга ҳар ўқиган намози учун биттадан нуқта қўйилади. Ким кўп нуқта тўпласа, ўша фарзангга катта мукофот бераман деб ваъда бердим. Шу йўл орқали фарзандларим мен йўқлигимда ҳам намозни қолдирмайдиган бўлдилар. Аёлим ҳам фарзандларимни уршишни ўрнига бир гап билан: «Анави жадвал нима бўляпти?» деб кифояланадиган бўлди. Бу гапни эшитган фарзандларим нуқталарни намозлар деб ҳисоблаб тезда бориб хотиржам намоз ўқиб олишар эди».

Баъзи оталар фарзандига: «Намоз ўқидингми?» деган саволни бериб кифояланади. Шу савол орқали ўзи ва фарзандини олдидаги барча мажбуриятини бажардим деб ўйлайди. Афсуски, ундай бўлмайди.



намозни қайтадан ўқишни буюрар эканлар. Аслида эса бу дуо фақат суннат ҳисобланади.

Қизлардан бири айтади: «Онам менинг намозимни бир антиқа услуб билан сўрар эдилар. Яъни: «Намозингда нима деб дуо қилдинг?, Саждангда нима деб дуо қилдинг?, Рукуингда қайси дуони ўқияпсан?», деб кўп айтар эдилар. Бу саволлари мен саждада роҳатланиб дуо қилишимга сабабчи бўлди».

**Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида**

**Хуршид Маъруф тайёрлади**